



БУЮРТМАЧИ:

Наманган туман мактабгача таълим бўлимига тассаруфидаги  
Мактабгача таълим ташкилотларига

2022-2023 йиларкиш-бахор мавсумида захира озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун

## ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

## Танлов хужжатларининг мазмуни:

### I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

#### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

#### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Мактабгача таълим ташкилотида тарбияланувчиларининг сифатли озиқ овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №587 сонли қарорига асосан маҳсулот ҳамлаш бўйича режа ва амалдаги ижро бўйича 2022-2023 йиллар қиш-бахор мавсумида захира озиқ-овқат маҳсулотларисотиб олиш учун ташкилотлар жалб қилинади.

##### 1.2. Танловнинг охириги қиймати

-Сабзи: ўлчов бирлиги: кг, тижорат даражаси: биринчи, сабзи ранги: кизил, 10-12 см, тозаланган сараланган, кўп микдорда с витамини, шамоллаш пайдо бўлишининг ёлдини олиш, иммунитетни мустаҳкамлаш ва вирусларга қарши курашиш учун зарур бўлган антиоксидант мавжуд. Озиқланиш қиймати: оқсиллар - 1,4 г; углеводлар - 5,2 г.

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Иш хизматларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун.

1.5. Иш хизматларни бошлаш муддати – буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

#### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Наманган туман мактабгача таълим бўлими (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Наманган туман мустақиллик кучаси 5-уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Наманган туман Мактабгача таълим бўлими биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 1 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

-Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

-кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха ҳужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Наманган туман мактабгача таълим  
бўлими мудири



О.Хужаев

«21» ноябр 2022 й

## Наманган туман мактабгача таълим бўлимига тассаруфидаги Мактабгача таълим ташкилотларига

2022-2023 йилар киш-бахор мавсумида захира озиқ-овқат махсулотлари сотиб олиш учун

### ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Наманган туман мактабгача таълим бўлимига тассаруфидаги мактабгача таълим ташкилотларига 2022-2023 йилар киш-бахор мавсумида захира озиқ-овқат махсулотлари сотиб олиш учун
2	Буюртмачи	Наманган туман мактабгача таълим бўлими
3	Буюртма учун асос	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг № 587 сонли қарорига асосан махсулот ҳамлаш бўйича режа ва амалдаги ижро бўйича 2022-2023 йилар киш-бахор мавсумида захира озиқ-овқат махсулотлари жамғариш...
4	Объектнинг жойлашган манзили	Наманган туман мустақиллик кучаси 5-уй
5	Катнашувчи учун талаблар	- Сабзи: ўлчов бирлиги: кг, тижорат даражаси: биринчи, сабзи ранги: кизил, 10-12 см, тозаланган сараланган, қўп микдорда с витамини, шамоллаш пайдо бўлишининг олдини олиш, иммунитетни мустаҳкамлаш ва вирусларга қарши курашиш учун зарур бўлган антиоксидант мавжуд. Озиклиниш қиймати: оксиллар - 1,4 г; углеводлар - 5,2 г.
6	Бажарилган ишлар хисоб-китоби	Хизмат кўрсатувчи томонидан тақдим қилинган, тарафлар томонидан тасдиқланган хисоб-китоб ва бажарилган ишлар юзасидан хисоб варақаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг корхона нархларидан ошмаган ҳолда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шартномага асосан тахминан 28000000 (Йигирма саккиз миллион ) сўмлик иш бажаралиши режалаштирилган.
7	Иш тури	Буюртма асосида хизмат кўрсатувчи томонидан белгиланган ишларини бажариш.
8	Хизматларни бажариш муддати	2022 йил ноябр- декабр
10	Молиялаштириш манбаи	Бюджетдан ташқари маблағ